ПАРТИЯ АХБОРОТИ

# ИШ УСУЛИ ТАКОМИЛЛАШСИН

Коммунистик район партия комитетида бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири О. Толипов КПСС Марказий Комитетининг меҳнатсиз даромадга қарши курашни кучайтиришга қаратилган қарори асосида бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида гапирди.

Район партия комитети умумий бўлим мудири А. Н. Пякнинг бошланғич, цех партия ташкилотларида иш юритиш ҳамда ҳужжатлар билан ишлаш бўйича ўтказган суҳбати кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Район партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудири М. Сайдазимов колхоз ва совхоз партия ташкилотлари структурасини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил этди.

Семинар ниҳоясида район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири Х. Абдужабборов КПСС XXVII съезди қарорлари асосида партияга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш соҳасидаги вазифалар ҳақида гапирди. У районда партияга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишларни атрофлича анализ қилди, семинар қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

# ЮЗАКИ ЁНДАШМАНГ

«Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози партия ташкилоти ўз сафига 108 коммунистни бирлаштирган. Кейинги икки ярим йил давомида олти киши КПСС аъзолигига кандидатликка, тўққиз киши партия сафига қабул қилинди. КПСС аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистларни тарбиялашга, уларнинг сиёсий онги ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир ёш коммунист доимий партиявий топшириққа эга. Ишлаб чиқаришда илғор, актив жамоатчи комсомоллардан КПСС сафига танлаб олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бўстонлиқ район партия комитети бюросида «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози партия комитетининг партия сафини ўстириш ва ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасидаги ишлари кўриб чиқилди. Совхозда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида партияга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш, иш форма ва методларини такомиллаштириш ва қайта қуриш секинлик билан олиб борилаётганлиги таъкидланди. Партия йиғилишларида бу масала камдан-кам муҳокама қилинади. Ёш коммунистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, ахлоқий фазилатларини тарбиялаш, онгини ўстириш масалалари билан етарли шуғулланилмаяпти.

КПСС сафига тайёргарлиги йўқ кишиларни қабул қилиш ҳоллари учрамоқда. Масалан, К. Давлетов 1982 йил КПСС сафига қабул қилинган эди. 1985 йил унинг устидан жиноий иш қўзғатилди ва партия сафидан ўчирилди. Лекин унга нообъектив рекомендация берган коммунистларга нисбатан жазо кўрилмади.

Партия йиғилишларида КПСС аъзолигига кандидатларнинг ҳисоботларини тинглаш йўлга қўйилмаган. Ёш коммунистлар партия йиғилишларига масала тайёрлашга камдан-кам жалб этилади. КПСС сафига қабул қилишда партия группалари, бригада аъзоларининг фикрларини ҳисобга олмаслик ҳоллари учрамоқда.

Район партия комитети бюросида совхоз партия ташкилоти фаолиятидаги шунга ўхшаш қатор камчиликлар рўй-рост очиб ташланди ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди.

ИШЧИ СУЛОЛАЛАРИ

# МЕТАЛЛУРГ ТОШМАТОВЛАР

## УЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ СТАЖИ 100 ЙИЛ

УЛАР комбинатдан уйга қайтишарди. Йўл-йўлакай бугун ким қандай муваффақиятга эришгани, кимнинг ишида қандай ўзгаришлар бўлгани ҳақида суҳбат авжида. Ҳа, катта йўлдан металлургларнинг катта оиласи бормоқда.

Тошматовлар оиласида болалар вояга етгач комбинатга ишга келиш анъанага айланган. Корхонанинг уйга яқинлиги эмас, балки бу ерда севимли касблари ҳамда меҳрибон мураббийлари борлиги учун шундай бўлмоқда. Биринчи навбатда устоз, албатта, оила бошлиғи Зубайдулла акадир. Ҳалол, меҳнатсевар ишчи, меҳрибон мураббий меҳнат фаолиятини колхозда бошлаб, урушнинг ўша оловли йилларида тобланди. Партия ишида тажрибага эга бўлган Зубайдулла ака пенсияга чиққач, қадрдон коллективидан ажралгиси келмади. Унинг болалари ҳам комбинатга келгач, шу ердан бахтини, умр йўлдошларини топишди. Раҳматулла ва Ҳикматуллаларнинг умр йўлдошлари ҳам комбинатда меҳнат қилишмоқда: Шоира 11-цехнинг моҳир силлиқловчиларидан, Насиба 8-цехнинг илғор ишчиси. Опа-сингил Мақсуда ва Мастура 3-цехда, Маҳфуза техника назорати бўлими назоратчиси.

Байрам кунлари Зубайдулла аканинг уйи фарзандлари, келин-куёвлари, невара ва эвараларга тўлиб кетади. Кичкинтойлар боболарининг тиззасига ўтириб, унинг кўкси тўла орден ва медалларини силаб-сийпашга тушадилар.

Кузнинг сокин кечаларидан бирида хонадон соҳиби бир ўзи чой ичиб ўтирган эди. Эшик очилиб, остонада Нуриддин пайдо бўлди.

— Нега пахта теримида эмассан, қочиб келдингми? — сўради ота хавотирланиб. Шу онда Нуриддинни цехга олиб келиб ундан металлургия бўйича катта мутахассис етиштиришни режалагани ҳаёлидан ўтди. Лекин ўғли юрист бўлмоқчи эканини айтиб, университетга ўқишга кирди. Ҳозир эса у барча студентлар қатори Сирдарё областида пахта теримда қатнашаётган эди.

— Дада, мени пахтадан чақириб олишди. Свердловскда бўладиган Бутуниттифоқ юрист-студентлар олимпиадасида қатнашар эканман.

Бу гапдан отанинг кўнгли таскин топди. Сўнг, бамайлихотир ўзининг ишлари ҳақида гапирди:

— Бугун биз тежалган хом ашё ва ресурслар ҳисобига ишлаб, ундан тушган пулни Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдик. Ўлмасов, Рамазонов, Шатоба сингари ёшлар бизни қўллаб-қувватлашди.

Ён атрофига қараб тимирскиланаётганидан ўғлининг ҳайрон бўлаётганини пайқаб, деди:

— Фронтдаги суратимни ахтараяпман, 1-мактаб музейига керак экан, болалар илтимос қилишди. Йўқ дейиш ноқулай.

...Смена бошланмасдан пайвандлаш шчитларини бирма-бир кўздан кечира бошлади. Уларнинг биттасида болтнинг бўшаб кетганини аниқлади.

Унинг шошиб қолганини кўрган бригадир Мирза Мирмусаев:

— Нима гап, Зубайдулла ака, электрикни чақирайми? — деди.

— Ҳожати йўқ, ўзим тўғрилайман, — дея хотиржамлик билан жавоб қилди кекса металлург.

Бир неча дақиқа ўтгач, унинг печи ишга тушди ва бутун смена давомида бир маромда ишлади. Шу куни комбинат ветерани, 2-цех пайвандловчиси Зубайдулла Тошматов смена топшириғини 115 процентга етказиб адо этди.

**А. МЕНЧИКОВ,**
**Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати.**



● ЗУБАЙДУЛЛА Тошматов фарзандлари даврасида. С. Ирсаев фотоси.

Райком ишни қайта қурмоқда

# ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

«Оққўрғон» совхозида истиқомат қилаётган меҳнат ветерани Е. Шелудько квартира ремонти учун оз миқдорда шифер топишга ёрдам сўраб, район партия комитетига келганида айрим ходимлар ҳайрон бўлишди. Ахир шифер учун райкомга келиш шартмиди? Бинокорлик материаллари билан савдо қилувчи ташкилотлар, ҳеч бўлмаса район ижроия комитети унга бу масалада ёрдам бериши мумкин эдику.

Е. Шелудько олдин савдо базасига ҳам, район ижроия комитетига ҳам борган экан. Лекин бирор натижа чиқмабди. У ердаги раҳбарлар меҳнат ветеранининг илтимосига тўраларча муносабатда бўлишган. Арзимаган ишни тўғрилаб беришни пайсалга солишган. Тоқати тоқ бўлган ветеран ниҳоят райкомга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Бизнинг аралашувимиздан кейин унинг илтимоси қондирилди.

Оққўрғон шаҳридаги Фурқат кўчасида истиқомат қилаётган бир группа аҳоли ҳам ободонлаштириш масаласида райкомга мурожаат қилишди. Бу ерга келишдан олдин улар йўл қурилиш бошқармаси, район уй-жой коммунал хўжалик бўлими, шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилишибди. Ҳеч қандай ёрдам бўлмагач, район партия комитетига келишибди.

Район партия комитети аҳоли илтимосини ўрганиб, ростдан ҳам Фурқат кўчаси ремонтга муҳтож эканлигини аниқлади. Шундан сўнг махсус бригада ремонт ишига киришди. Ваҳоланки шундай юмушларни биринчи мурожаатдан кейиноқ бажариш мумкин эди. Аммо ижрочи ташкилотлардаги айрим раҳбарлар аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятларга бюрократларча муносабатда бўлмоқдалар.

Энди бундай аҳволда ишлаб бўлмайди. Ижрочи ташкилотлар ишини қайта қуриш пайти келди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, топширилган иш учун талабчанлик сусайган жойларда бюрократизм, сансалорлик авж олмоқда. Партия бюрократизмга қарши қатъий ва шафқатсиз кураш эълон қилди. Бу курашдан ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Район партия комитетига турли хил мавзудаги хатлар ва шикоятлар келиб туради. Кейинги икки йилда улар 51 тага кўпайди. Тушган хатларнинг 81 таси ижобий ҳал этилди, 76 таси жойларда кўриб чиқиш учун партия, совет ташкилотларига юборилди. Район партия комитети бўлимлари меҳнаткашларнинг хатлари асосида райком бюросига 4 та муҳим масала киритдилар.

Тушаётган шикоятларнинг аксарияти уй-жой шароити ва коммунал хизматни яхшилашга оиддир. Ўтган йили бундай хатлар 42 тага кўпайди. Бу жойларда коммунал хизмат талаб даражасида ташкил этилмаётганлигини, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашга эътиборсизлик қилинаётганлигини кўрсатади. Савдо, умумий овқатланиш корхоналари, клуб муассасалари ишидан нолиб ёзаётганлар ҳам оз эмас. Улар аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини тўлароқ қондириш чораларини кўрмаяптилар, ишда зарур ўзгариш ясамаяптилар.

Район партия комитети келаётган ҳар бир ариза ва шикоятни қаттиқ назорат остига олган. Айниқса Улуғ Ватан уруши инвалидлари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларидан келаётган шикоятларга эътибор кучайди. Улар маълум муддат ичида кўриб чиқилиб, имкони борича ижобий ҳал этилмоқда. Биз бундан буён ҳам ўз ишимизни янги талаблар асосида ташкил этиб, бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қаттиқ кураш олиб борамиз, ҳамма жойда социал адолатнинг тикланиши йўлида зарур чораларни кўраверамиз.

**С. АБДУВАЛИЕВ,**
**Оққўрғон район партия комитети умумий бўлим мудири.**







● ЯНГИ Тошкент консерва комбинатида янги ҳосил — мева-сабзавотларни қайта ишлашга киришдилар. Комбинат аҳли бу йил 67 миллион шартли банка консервалар ишлаб чиқаради. Ҳозирданоқ тайёр маҳсулотлар омборига дастлабки банкалар келиб туша бошлади. Суратларда: тайёр маҳсулотлар омбори ишчиси Инобат Тиллаева (ўнгда) маҳсулотларни қабул қилиб олмоқда; Саодат Бозорбоева мураббо тайёрлашда донг чиқарган ишчилардан; мевалардан шарбат ишлаб чиқарувчи агрегатларнинг умумий кўриниши.

В. Сироткин фотолари.

СОЦИАЛ, МАДАНИЙ- МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАРДА ТЎРТ КУН ИШЛАБ БЕРАМИЗ!

# ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва КПСС XXVII съездидан кейинги турмушни кўриб, воқеаларни фикр таҳлилидан ўтказиб бениҳоя суюниб кетаман. Партиямизнинг бу анжуманлари барчани ишчанликка чорлади, ҳар бир кишини ҳалолликка даъват этди. Бинобарин, съезддан сўнгги вазият бу — ишчанлик, кўтаринкилик вазияти, мамлакатимиз барча меҳнаткашларининг якдиллик, сўзда ҳам, амалда ҳам бирлик вазиятидир. Назаримда биз партиямиз анжуманидан кейин янада жипслашиб қолгандаймиз, фикр-ўйларимиз ва мақсадларимиз ҳам бир-бирига ўхшаш, яқин ва муштарак бўлиб қолгандай.

Волжск автомобилсозлари бошлаган ташаббус ва ана шу ватанпарварлик ҳаракатига областимизда биринчилардан бўлиб қўшилган Олмалиқ кон-металлургия комбинати бир группа ишчиларининг «Тошкент ҳақиқати»да эълон қилинган даъватларини ўқиб, беихтиёр мана шундай фикрга келдим. Ҳа, бизнинг жамиятимизда ҳамма нарса инсон учун, шу жамиятда яшаб меҳнат қилаётганлар учун, ўзимиз учун қилинади. Чунки, бу жамиятда давлат манфаати билан халқ манфаати бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Мақолани ўқиб, съездимизда илгари сурилган социал соҳа ҳам, уй-жой ҳам, маданият ҳам, спорт ҳам орқада қолмаслигини назарда тутмоқ лозим, инсон яхши яшаши, ҳордиқ чиқариши керак, деган фикрларни эсладим. Ахир, инсонпарварлик шунчалик бўлади-да. Хўш, биз бунга жавобан нима иш қилишимиз керак, бизнинг қўшимча резервларимиз, имкониятларимиз борми?

Мақола муаллифлари ёзишганидай биргина ишлашнинг ўзи камлик қилади, ҳатто яхши ишлаш ва планни бажаришнинг ўзи ҳам етарли эмас. Бу ва шунга ўхшаш масалалар яқинда фабрикамизда кенг муҳокама қилинди. Волжск автомобилсозлари ташаббусига қўшилган олмалиқликлар даъвати бизни ҳам ғоят руҳлантириб юборди.

Бундоқ ўйлаб қарасак, бизда ҳам бир йилда тўрт кун қўшимча ишлаб бериш имкониятлари бор экан. Бир мен эмас, бутун коллектив, цехларнинг ишчилари, бригадалар шундай дейишмоқда. Масалан, тикув цехининг ишчиси Нина Гайсинани олинг. У, ҳозирги вақтда ўз цехида илғор технология ва юксак меҳнат унумдорлиги асосида ишлаб, фабрикада ҳаммани қойил қолдирмоқда. Ана шу ҳамкасбим ўн иккинчи беш йилликда ўн йиллик план-топшириқларини бажариш шиорини илгари сурди.

Гапнинг очиғини айтганда, биз ҳам яхши ҳордиқ чиқаргимиз, дам олгимиз, спорт ва физкультура билан шуғуллангимиз, кечқурунлари кинотеатр ёки маданият саройларида бўлгимиз келади, фарзандларимизнинг шинам боғча ва яслиларда бехавотир яйраб-яшнашларини истаймиз. Шуларни ўйлагангингда бизнинг фабрикада ҳам анча-мунча етишмовчиликлар борлиги кўзга ташланиб қолади. Тўрт кун ишлаб бериш ташаббусининг қимматли томони ҳам шунда. Биз ҳам фабрикада социал соҳани юксак даражага кўтаришга, умуман индустриал шаҳарчамиздаги маданий-маиший объектларда ишлаб, шахсий ҳисса қўшишга аҳд қилдик.

**Озода МАВЛОНОВА,**
**Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ишчиси, область мукофотининг лауреати.**

# ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ЖЎРАХОН Минаввaрова, Дилфуза Комилова, Матлуба Ибоева ва Азиза Жўраевалар Паркент тикувчилик фабрикасининг машъалаларидир. Бу тўрт дугона бир неча йилдирки, мана шу корхонада фидокорона меҳнат қилиб, илғорликни қўлдан бермай келишмоқда.

Яқинда улар яна бир ютуқни қўлга киритдилар. Ж. Минаввaрова 10510 сўмлик, Д. Комилова 11345 сўмлик, М. Ибоева 10927 сўмлик, А. Жўраева эса 11200 сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариб, шахсий олти ойлик планларини ортиғи билан уддаладилар. Бу илғор чеварлар томонидан тикилган махсус кийимлар фақат аъло сифатга қабул қилинди.

Фабриканинг бу машъаллари айни пайтда шу йилнинг июль ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

**М. МИРКАМОЛОВ.**

КПСС XXVII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИ— ОММАГА

# ПРОПАГАНДИСТЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси лекторлар, пропагандистлар, сиёсий докладчиларга ёрдам тариқасида «КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга» деган махсус кутубхонача ташкил этган эди. Яқинда ана шу сериядаги дастлабки лекция текстлари босмадан чиқарилди. Улар «Коммунизм йўлида тарихий босқич», «Ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон экономикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари», «Ҳозирги босқичда партия аграр сиёсатининг янада ривожлантирилиши», «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — давр тақозоси», «Совет Ўзбекистони маданиятининг янада равнақ топиши», «Ҳозирги шароитда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш йўллари», «Ҳозирги босқичда партиянинг ташқи сиёсий фаолияти» деб аталади. Бу нашрларда давримизнинг энг муҳим назарий ҳамда амалий масалалари хусусида фикр юритилади.

Бу китобчаларни ёзишга республикамизнинг етук олимлари, мутахассислари жалб қилинган. Ҳозиргача чоп этилганлари авторлари орасида Э. Юсупов, Н. Усмонхўжаев, И. Алимов, И. Искандаров, М. Шек каби таниқли олимлар, философ, тарихчи ва иқтисодчилар бор.

Брошюралар кенг меҳнаткашлар оммасига мўлжалланган бўлиб, кўп нусхада нашр этилди. Эндиликда сериянинг навбатдаги китобчаларини чоп этишга тайёргарлик кўрилмоқда.

**Э. ҲАЙДАРОВ.**

# ПАРДОЗЛОВЧИЛАР ОЛДИНДА

«УЗБЕКШАХТОСТРОЙ» трестига қарашли 1-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари Оҳангарон шаҳрида кейинги бир йил мобайнида қатор объектларни қуриб битказдилар. 280 ўринли болалар боғчаси, меҳмонхона, кафе, «Баҳор» маиший хизмат уйи шулар жумласидандир.

— Қурувчиларимизнинг съездлар йилидаги марралари янада юксак, — дейди колонна бошлиғи Э. Йўлдошев. — Жумладан, бу йил қатор маданий-маиший, социал объектларни ишга туширишимиз лозим. Уларни сифатли ва муддатида амалга ошириш асосий мақсадимиздир.

Колонна бригадалараро социалистик мусобақасида Н. Липанкина бошлиқ пардозловчилар, В. Колистратов етакчилигидаги дурадгорлар, Ю. Насипова бош бўлган пардозловчилар бригадалари пешқадамлик қилмоқдалар.

**О. ХУШНАЗАРОВ.**

МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

# ЭНГ ОЗОДА ҲОВЛИ

ДЕПО кўчасидаги 26-уйда яшовчи Абдуқаҳҳоровлар оиласи маҳалла комитети уюштирган «Энг озода ҳовли» конкурсида ғолиб чиқди. Конкурс соврини — тозалик ва саранжом-саришталик рамзи бўлган тошойна хонадон соҳибаси Н. Абдуқаҳҳоровага тантанали вазиятда топширилди. Оила бошлиғи Абдужаббор Абдуқаҳҳоровга эса жамоат ишларидаги активлиги учун маҳалла комитети самимий миннатдорчилик билдирди. Чунки у маҳалла территориясини тозалаб, тартибга келтириш мақсадида уюштирилган шанбаликда шахсий намуна кўрсатди.

Маҳалла комитети ташаббуси билан ўтказилган бу оммавий ҳашарда Депо посёлкасидаги 348 та уй вакиллари тўлиқ иштирок этдилар. Улар саккизта (кўчалар бўйича алоҳида) командаларга бўлиниб ўзаро мусобақалашиб, уюшқоқлик ва ҳазил-мутойиба билан меҳнат қилдилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг саноат-темирйўл транспорти корхонаси ходими А. Абдуқаҳҳоров шанбаликда корхона маъмурияти билан келишган ҳолда транспорт воситаларини уюштириб, ҳашарчилар меҳнатини енгиллаштирди.

Кўча ва ҳовлилардаги тозалик, саранжом-сариштаcomponent ликни назорат қилиб бориш, вақти-вақти билан шанбаликлар уюштириб туриш — маҳалла комитети амалга ошираётган оммавий ишларнинг бир қисми холос. Масалан, илгари шаҳарнинг бу чекка бўлаги билан телефон алоқаси ўрнатилмаган эди. Маҳалланинг жамоатчи активлари ҳаракати билан керакли узунликда кабель сотиб олинди. Маҳалла аҳли кейинги шанба куни ҳашарга чиқиб, 500 метр узунликда чуқурлик қазиб, кабелни ётқизишди. Қолган ишни эса алоқа узели ходимлари тезда ҳал этишди.

Маълумки, асфальт ётқизилмаган кўчаларни озода, тартибли сақлаш анча қийин бўлади. Шуни ҳисобга олиб маҳалла комитети посёлкадаги 7 та кўчанинг ҳаммасини асфальтлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Маҳалланинг обрў-эътиборли қариялари, уруш ва меҳнат ветеранлари А. Бобоев, Р. Йўлдошев, С. Собиров ва бошқа активлар шу масалада шаҳар ижроия комитетига боришди, ўз депутатлари билан учрашишди. Шундан сўнг Восточная ва Гулистон кўчалари асфальтланди. Маҳалла комитети вакиллари Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Сигедин қабулида ҳам бўлдилар. Натижада Свинцовая кўчаси ҳам тартибга келтирилди.

Маҳалла комитети бўлиб ўтган ўша ҳашар якунида яна бир жамоатчи активга қимматбаҳо эсдалик совғаси топширди. 13-мактаб хўжалиги мудири Бакир Тоиров бундай мукофотга биринчи марта сазовор бўлгани йўқ. У маҳалла комитети олдида турган муаммоларни ҳал этишда ҳаммадан кўпроқ жон куйдиради. Жамоат ишида фидойилик кўрсатадиган кишилар тобора кўпайиб бораяпти.

**Л. ЛАВРИНА.**

# КАСБГА ҲАВАС ҚЎЙМОҚДАЛАР

Кечагина ўқувчиларнинг жарангдор овози янграган мактабда бугун сокинлик. Фақат давлат имтиҳонлари бораётган айрим синфларгина ўқувчилар билан гавжум. Уларнинг ҳаяжонланаётгани чеҳраларидан сезилиб турипти. Яқин-яқинларгача битирувчиларнинг кўзларига оддий кўриниб турган фан кабинетлари ҳам, мактаб ҳовлисида ўзлари бунёд этган хиёбонлар ҳам бугун ўзгача.

Имтиҳонлардан қутулган йигит-қизлар билим даргоҳини янги ўқув йилига ҳозирлашга кўмаклашмоқдалар. Мактаб пионер лагери ва болалар дам оладиган оромгоҳ бевосита ана шу ўқувчилар ёрдамида ремонтдан чиқарилди.

Директор Абдутолиб Абдуллаев билан мактаб хоналарини айланар эканмиз, у ана шу ишларда актив қатнашаётган Саодат Нурматова, Ёмиддин Шомақсудов, Лутфия Исломова каби жонкуяр педагоглар ҳақида меҳрибонлик билан гапирди. Уларнинг тарбияда, ёшларни ўқитишда сидқидилликларини таъкидлади.

Акмал Икромов районидаги Хусайн Шамс номли 4-мактаб коллективи ислоҳот талаблари асосида иш юритиб, 5 та биринчи синфни очишга ҳозирлик кўриб қўйди. Биринчи бор мактабга қадам қўяётган бу олти ёшлилар учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитлар яратилди. Шаҳар малака ошириш институтида билимини пухталаб келган Бозоргул Шермуҳамедова тажрибасини бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳаммаси ўрганишди. Эндиликда биринчи сентябрдан бошлаб улар ана шу тажриба асосида болаларга дарс бера бошлайдилр.

— Мактабимизда ўқув ва тарбия жараёни рус тилини чуқур ўргатишга мослашган тарзда ташкил этилган, — дейди илмий бўлим мудири Муборак Мирашаева. — Шунинг учун ҳам бу йил рус тилидан дарс берувчи педагоглар Людмила Ким, Валентина Ждановалар ўзларига тегишли кабинетларини ҳозирданоқ янада бойитмоқдалар.

Мактаб педагогик коллективи билан ота-оналар ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик ёшларни касбга йўллашда муҳим роль ўйнамоқда. Кўплаб собиқ талабалар ўқув даргоҳида эгаллаган ҳунарларини ишлаб чиқаришда давом эттирмоқдалар. Улар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Бу йил шу мактабни битириб тикувчилик корхоналари, боғчаларда ишлаётганлар билан ҳам учрашув ўтказилди. Улар битирувчи синфлар талабаларида ўз касбларига ҳавас уйғота олдилар. Кўпгина ўқувчилар қўлларига аттестатларини олгач завод, фабрикаларга бориб ишлашга аҳд қилдилар.

**Ю. МИРЗАКАРИМОВА.**

*ФАШИСТЛАР ГЕРМАНИЯСИНИНГ СССРга ХИЁНАТКОРОНА ҲУЖУМИ ВА УЛУҒ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНГАНЛИГИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА*

# ТАРИХ САБОҒИ УНУТИЛМАСЛИГИ КЕРАК

## ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИ, ЖАМИЯТНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИНИНГ ОҲАНГАРОН РАЙОНИДА ЎТКАЗГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

**ИНСОНИЯТ** тарихий солномалари саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилган саналар бор. Ана шундай саналардан бири 1945 йилнинг 9 майи — Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган шонли Ғалаба кунидир. Аёвсиз уруш 1418 кечаю-кундуз давом этди, узоқ кутилган ғалабанинг келиши машаққатли бўлди. Уруш бундан 45 йил муқаддам — 1941 йил 22 июнда фашистлар Германиясининг хиёнаткорона ҳужуми билан бошланган эди. Ана шу кундан совет халқи, унинг қуролли кучлари ҳар қачонгидан ҳам оғир ва аянчли синовдан ўта бошлади.

Уруш ўзидан шундай из қолдирдики, унинг якуни ва сабоқлари ҳануз жаҳон тараққиётининг бориши ва характерига, одамларнинг онгига таъсир ўтказиб келмоқда. Бу таъсир ҳали яна узоқ давом этади. Бугун, ўша машъум куннинг 45 йиллиги арафасида ўтмиш такрорланишига йўл қўймаслик, Совет Иттифоқи, улуғ социалистик ҳамдўстлик давлатлари халқлари, бутун инсониятни ракета-ядро уруши хавфидан сақлаб қолиш учун тарих сабоқларини эслаш ўринлидир. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти, унинг Тошкент область ташкилоти правлениелари ва «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси биргаликда Оҳангарон районида ўтказган илмий-амалий конференцияда ана шу ҳақда гап борди.

«СССРга қарши фашист агрессияси ва унинг барбод бўлиши» мавзуида ўтган бу конференцияда тошкентлик таниқли олимлар, Улуғ Ватан урушининг актив иштирокчилари қатнашдилар. Район партия комитетининг секретари М. Н. Саримсоқова Оҳангаронда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси соҳасида олиб борилаётган ишлар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақида кўсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапириб берди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник П. Ф. Шевелев, уруш ветерани, иқтисод фанлари кандидати Ф. Г. Муқминов, тарих фанлари доктори, профессор А. Қўқонбоев, тарих фанлари кандидатлари, истеъфодаги полковниклар А. Мамажонов, К. Зайнуллин «Империализмнинг қонли жинояти» «Ўзбекистонликлар Ватан учун жангларда», «Жаҳоншумул тарихий ғалаба», «Иккинчи жаҳон урушини сохталаштирувчиларга қарши» мавзуларини кенг ёритиб бериб, меҳнаткашларнинг саволларига жавоблар қайтардилар. КПСС XXVII съезди талаблари асосида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада такомиллаштириш соҳасида амалий-методик ёрдам кўрсатдилар, район хўжаликлари, корхона ва ташкилотларида бўлдилар.




**10-МАКТАБНИНГ** жанговар шон-шуҳрат музейида.

## Қариялар уйида

Район марказида бир неча гектар майдонни эгаллаган махсус интернат бор. Бу жойни қариялар уйи деб аташади. Сабаби — бу ерда яшовчиларнинг ўртача ёши 70 дан ортади. Улар орасида ҳатто 90 ёш ва ундан ҳам ортиқ умр кўрган чол-кампирлар бор. Улар биринчи жаҳон урушини ҳам, Буюк Октябрь инқилобини ҳам, Улуғ Ватан урушини ҳам ўз бошидан кечирган, бу тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган одамлар. Областимизнинг турли шаҳар-қишлоқларидан йиғилган ана шу табаррук қариялар 300 дан ортиқ кишини ташкил этади. Рўйхатдан уларнинг фамилияларини ўқиймиз: Любовь Григорьевна Седова, 1902 йилда туғилган, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчининг беваси, Екатерина Никифоровна Мухачева, 1908 йилда туғилган, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчининг беваси, Михаил Прокофьевич Кисурин, 1908 йилда туғилган, уруш ва меҳнат ветерани, Мария Осиповна Тарасова, 1902 йилда туғилган, марҳум жангчининг беваси, Файзираҳмон Эшонхўжаев пенсионер...

Ҳа, улар урушнинг энг оғир кунларида фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам жон фидолик қилишган. Фарзандлари, яқин кишилари, севимли ёрларидан «қорахат» олиб, жудо бўлишган. Ҳаётда ёлғиз қолгач, бутун умр эшикка кўз тикиб умид билан яшашган. Бевақт айрилиқ доғи, ҳижрон азоби уларнинг қаддини дол қилган, юзларига ажин солган. Шунинг учун ҳам қай бирлари билан гаплашманг, урушни лаънатлашади, кексайиб кучдан қолганда ғамхўрлик билан қуршаб олган инсонпарвар давлатимизга беҳад миннатдорчилик изҳор этишади.

— Ҳозир меҳнат ва жамоат ишларида фаол қатнашаётган Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ҳам кўп, — дейди район ветеранлар Совети раиси Петр Кондратьевич Номоконов. — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтасин Бобоев умумий овқатланиш тармоғида ишлайди, собиқ қирувчи-учувчи Мансур Қорахўжаев саноат қурилиш материаллари техникумида директор. Яқин-яқинларгача район газетасига редакторлик қилган собиқ разведкачи Акром Аъзамовни журналистлар устоз деб билишади. Пенсионер Бобожон Мадраҳимовни эса ҳамон «Бизнинг комбат» деб чақирамиз. Бобожон ака яқинда Украинага бориб келди. Жанговар Қизил Байроқ ордени кавалери Мадраҳимовнинг шон-шуҳрат йўли ҳақида яқинда Ровно область газетасида катта мақола эълон қилинибди. Ветеранлар биргалашиб уни қизиқиш билан ўқиб чиқдик.

Районнинг биргина Куйбишев посёлкасида 40 га яқин Улуғ Ватан уруши қатнашчиси яшайди. Уларнинг ҳаёт йўли билан шон-шуҳрат музейида танишиш мумкин.

## Ўзбекистон бир сафда

◆ Ўзбекистонликлардан юз минглаб киши уруш йиллари Совет Армияси сафларига чақирилди. Юртдошларимиз Ватан учун жангларда ва Европа халқларини фашизм қуллигидан халос этишда шон-шуҳрат қозондилар. Ўзбекистоннинг 120 мингдан ортиқ йигит ва қизи орден ва медаллар билан мукофотланди, 282 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 32 киши Шуҳрат орденларининг тўла нишондори бўлди.

◆ Биргина Днепрни кечиб ўтишда 100 га яқин ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқ деб топилди. Улар орасида Б. Эргашев, К. Тихонов, Х. Аминов, В. Малясов, С. Қосимхўжаев ва бошқалар бор.

◆ Республикамизнинг 6 мингдан ортиқ шонли қизлари қўлга қурол олиб, Ватан учун жанг қилдилар.

◆ Республикамизга 1 миллионга яқин киши эвакуация қилинди. Ўзбекистонликлар 200 мингдан зиёд болага бош-пана бердилар. Уларнинг кўпчилиги ота-онасиз қолган эди.

◆ Шаҳар, қишлоқларимизнинг меҳнаткашлари, уй бекалари, пенсионерлар фронтга катта ёрдам кўрсатдилар. Ўзбекистонликлар мудофаа фондига 649,9 миллион сўм ўтказдилар.

◆ Уруш йиллари республикамиз 4 миллион 806 минг тонна пахта, 1 миллион 282 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 159 минг тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун ва бошқа маҳсулотлар берди.

## Шон-шуҳрат музейи

Жанговар шон-шуҳрат музейи М. Горький номли 10-мактабнинггина эмас, бутун райoннинг фахри. У ўтган йили Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида очилган эди. Шундан бери бу ердан томошабинлар аримайди. Тарих дарслари шу ерда ўтади, ўқувчилар пионер ва комсомолга шу ерда қабул қилинадилар. Байрам ва линейкаларда сафга тизиладилар. Музейга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси рассом Николай Григорьевич Гомзиннинг катта меҳнати синггган.

Гомзиннинг ўзи иккинчи Белоруссия фронти таркибида жанг қилган. Кенсберг, Берлин, Варшавани озод қилишда қатнашган. 9 та жанговар мукофотлар, Олий Бош қўмондоннинг ўндан ортиқ ташаккурномаларига сазовор бўлган.

Музейда Улуғ Ватан уруши тарихининг муҳим босқичлари алоҳида стендларда кўрсатиб берилган. Мактаб «Поиск» группаси аъзолари директор Вера Павловна Ефимова раҳбарлигида кўпдан-кўп ҳужжатлар тўплашга муваффақ бўлишди. Ана шу ҳужжатлар асосида тайёрланган «Улар мактабимизда ўқишган эди» стенди ёшларни айниқса қизиқтиради. Стенд экспонатларидан бири Николай Назарович Гончаров ҳақида ҳикоя қилади. У Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Матросов жасоратини такрорлаган ҳамюртимиз Турғун Аҳмедов билан ёнма-ён бўлган эди. Аҳмедов ўз кўкси билан душман амбразураси оғзини тўсган жойда ҳалок бўлган оҳангаронлик марҳум жангчи ҳақида маълумот олиш учун Алитус шаҳридаги архивларга, тарихий-ҳарбий тўгарак аъзоларига кўпдан кўп хатлар ёзилди. Улар қаҳрамон билан боғлиқ ҳамма материалларни тўплаб мактабга юбордилар.

Бу ерда Улуғ Ватан уруши ҳар бир қатнашчисининг рангли портретлари қўйилиб, улар учун алоҳида-алоҳида «эсдаликлар» китоби тутилган. Китоб собиқ жангчи босиб ўтган шонли йўлнинг «ойнаси». Шу қишлоқлик Челабой Бердиқулов портрети остидаги «Эсдаликлар»ни варақлаймиз. Челабой ака Улуғ Ватан уруши йилларида Сталинград жангида мардонавор курашган. Урушдан талайгина медаллар билан қайтган. Челабой ака мактаб ота-оналар комитетининг аъзоси сифатида жамоатчилик ишларида ҳамон актив қатнашиб келмоқда.



**АЛОҲИДА** Приморье армияси ветеранлари И. Крупинина ва Ф. Муқминов 43 йилдан сўнг учрашиб қолишди.

## Хизмат жойи — Афғонистон

Стендлардан бири ана шундай номланган. Унинг экспонатларини ҳаяжон билан томоша қиласиз. Стенд ўртасида Николай Николаевич Гельманнинг қисқа, лекин қаҳрамонона ҳаёти билан танишиш мумкин. У 1965 йилда туғилган. Шу мактабда саккиз йил билим олган. Интернационал бурчини ўташ чоғида 1985 йили қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Бу шундай бўлган эди: Коля хизмат қилган взвод ўқув-жанговар топшириқни бажаришга борарди. Бирдан отишма бошланди. Шу чоғда Николай командирни мўлжалга олган душманни кўриб қолди. Командирни ҳимоя қилиб, ўзи мардларча ҳалок бўлди. Ўлимидан сўнг унга «Қизил Юлдуз» ордени берилган. Стендда гўё қон билан битилгандек қизил сиёҳда ёзилган қасамёд бор. Николай Гельман қабри устида мактаб ўқувчилари қабул қилган бу қасамёдда, жумладан шундай дейилади. **«Биз Горький номли 10-мактаб ўқувчилари мактабимизни битириб чиққан Николай Гельман хотираси учун мевали боғ яратамиз, мактабнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси соҳасидаги энг яхши анъаналарини сақлаб, кўпайтирамиз, Коля Гельманнинг онасидан доимий хабар олиб туриб, унга ёрдам кўрсатамиз».** Шу ерда Гельманнинг ўқишни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, бошқа ҳужжатлари, онасига ёзган охирги мактуби, ҳарбий кийимлари қўйилган. Бу стенд олдидан гуллар аримайди. Унинг ёнида марҳумнинг хотирасини эслаб турган ўқувчиларни кўрдик.

Совет Армияси сафида хизмат қилиб интернационал бурчини ўтаб келган Куйбишев номли совхознинг экскаваторчиси Михаил Налимов «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган. Унинг мактабдошлари Владимир Шабалин, Василий Синягинлар ҳам 20 ёшга етар-етмай «Қизил Юлдуз» ордени, «Жасурлиги учун» медаллари билан тақдирланишган.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда оталар жасоратининг муносиб меросхўрлари бўлган юқоридаги йигитлар намунаси мактаб ўқувчиларига катта таъсир ўтказмоқда. Битирувчиларнинг маълум қисми офицерлик ҳарбий касбини танлашаётганлиги бежиз эмас. Ҳозирги вақтда шу мактабда таълим олган А. Полетаев, А. Сафиулов, В. Луенко, А. Беспалов мамлакатимиз турли шаҳарларидаги олий ҳарбий билим юртларида ўқишни давом эттиришмоқда. Битирувчилардан яна беш киши — Бахтиёр Журинов, Роман Муротов, Андрей Жаваров, Айдар Рустамов, Алексей Абалихинлар ҳарбий билим юртларига киришни орзу қилишмоқда.

Мактабда «Халқ шон-шуҳрати китоби» тутилган. Бу китобга педагогика Советининг қарори билан Улуғ Ватан урушининг актив ветеранлари киритилади. Айни пайтда улар жасоратининг шонли меросхўрлари фамилиялари ҳам китобдан жой олади, албатта.

## Ўчмас доғ

◆ Иккинчи жаҳон уруши урушлар ичида энг даҳшатлисидир. Унда 50 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди. Айниқса Совет Иттифоқи учун фашизм қонли из қолдирди. Улуғ Ватан урушида мамлакатимиз 20 миллион кишидан жудо бўлди. Польша 6 миллионга яқин, югославлар 1,7 миллион, французлар 600 минг, инглизлар 370 минг, американиклар 300 минг кишини йўқотдилар. Фашист Германиясидан 13,6 миллион киши урушда ҳалок бўлди, яраланди, асир олинди ва дом-дараксиз кетди. Италия 500 минг кишисидан ажралди.

◆ Иккинчи жаҳон уруши йилларида Осиёда ҳам кўплаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Хитойда ўлган ва ярадор бўлганлар 5 миллион кишига етди. Милитаристик Япония 2,5 миллион одамидан ажралди. Улар асосан ҳарбий хизматчилар эди. Японияда ҳалок бўлган 350 минг граждан аҳолидан 270 мингдан ортиғи Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари атом бомбардимонининг қурбонлари эди.

◆ Немис-фашист босқинчилар Ватанимиздаги 1710 шаҳар ва посёлкани, 70 мингдан ортиқ қишлоқни вайронага айлантирдилар. 25 миллионга яқин киши бошпанасиз қолди. Уруш алангаси мамлакатимиз миллий бойлигининг қарийб учдан бирини ўз домига тортди.

## 43 йилдан сўнг учрашув

Фуад Муқминов уруш хотираларидан сўзларди. 1941 йил июнидаёқ фронтга жўнагани, учувчиликка ўқигани, қисм комиссари бўлгани ҳақида гапириб берди. Шахсан ўзи қатнашган жуда кўп жанговар учишлар ҳақида ҳикоя қилди. Жангларда у 32 жойидан ярадор бўлган. Ҳаммадан ҳам Керчни озод қилишдаги хотиралари сира ёдидан чиқмайди. 1943 йил у ана шу шаҳарда фашистларнинг мислсиз ваҳшийликларини ўз кўзи билан кўрган. Душман бу ерда 7 минг кишини тириклайин отиб ташлаган. Бу оилаларда коммунистлар, ҳарбий комиссарлар бор эди. Шаҳар озод этилиб, марҳумларни қидириб топиб дафн этиш ҳаракатида бўлган қариндош-уруғлар, оила аъзоларининг кўз ёшлари, нола ва фарёди ҳали-ҳали кўз ўнгидан кетмайди, қулоқлари остида эшитиб тургандек бўлади.

Лектор ҳикоясини тугатар-тугатмас залда ўтирганлар орасидан кўз ойнакли, тўладан келган бир аёл ҳаяжон билан ўрнидан турди.

— Қуролдошимни топдим, — дея Муқминовнинг қучоғига ташланди у.

Асли Красноярск ўлкасининг Дудинка қишлоғидан бўлган Ирина Ивановна Крупинина Кавказни озод қилишда Ф. Муқминов билан бирга бўлган экан. Медицина хизмати старшинаси ўша жанг кезлари 600 дан ортиқ беморни бомба ва ўқлар ёмғири остидан олиб чиққан. Жанговар хизматлари эвазига «Жасурлиги учун», «Кавказ мудофааси учун» ва бошқа медаллар билан тақдирланган. Қуролдошлар Керч яқинидаги Войково металлургия заводи территориясида бўлган жанглар ҳақида эслаб кетишди. Алоҳида Приморье армияси икки ветеранининг суҳбати тугамасди. Урушни қаерда якунлашгани, кейинги ҳаётлари ҳақида сўзлаб беришарди. Ирина Ивановна ҳозир оҳангаронлик бўлиб қолган. Бу ерда набирасини тарбиялаб вояга етказмоқда. Ф. Муқминов урушдан кейин ўқигани, кандидатлик диссертациясини ёқлагани Тошкент халқ хўжалиги институтида кўп йиллардан буён ишлаб келаётганини гапириб берди.

— Меҳнат фаолиятим давомида, ҳисоблаб чиқсам, 18 мингга яқин мутахассис тайёрлабман. Уларни республиканинг ҳамма жойида учратиш мумкин. Аммо қуролдошларни топиш қийин. Зотан учувчиларнинг кўплари ғалаба кунигача етиб келолмаган. Бугунги учрашув менга ёшлигимни, йигитлик чоғларимни қайтаргандек бўлди, — дейди собиқ жангчи.

Шу куни оҳангаронликлар билан учрашувда қатнашган истеъфодаги полковник К. Зайнуллин полк ҳарбий комиссари эди. У урушни Берлинда тугатган. Ўзининг лекцияси давомида тингловчиларга фашизм уясида бўлган сўнгги жанглар ҳақида марoқ билан ҳикоя қилиб берди.

— Урушда биз катта қурбонлар бердик, — дейди ҳарбий тарихчи К. Зайнуллин — Йигирма миллиондан ортиқ ватандошимиздан жудо бўлдик. Уларнинг ҳар бири хотирасини бир минутдан сукут сақлаб эсласак бунинг учун 36 йил вақт керак бўлар экан. Урушда 33 хил ёшдаги совет гражданлари Ватан мудофаасига чақирилган. Улар орасида ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган, ширин орзулари эндигина уйғонаётган ёшлар бор эди. Энг оғир қисмат ҳам ана шу навқирон йигитлар зиммасига тушди. Статистика маълумотларига кўра, 1921 йилда туғилиб армияга чақирилган ҳар юз йигитдан фақат уч нафаригина омон қолиб, урушдан қайтган...

— Бизнинг бугунги сизлар билан учрашувимиз, бугунги дорилмон кунларимиз сабабчиси ўша мангу қаҳрамонлардир. Шахсан мен ўзим улар олдида ҳамон таъзим қилишга тайёрман, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, профессор А. Қўқонбоев. — Мен ҳаёт қолишимга шахсан наводкачи Паша Журавлев сабабчи бўлган. Будапешт яқинидаги Замол қишлоғида бизнинг танк колоннамиз кетаётганда душман зарбасини ўзига қаратган ўша танкчи йигитларимиз эди. Улар бизни ва сизни деб қурбон бўлдилар. Ўша мен бошқарган танкка йўл очиб берганлар Ватаннинг энг олий мукофотини олишга лойиқ эди. Уларнинг бу жасоратлари албатта тақдирланиши кераклиги ҳақида яқинда собиқ командиримиз, гвардия генерал-лейтенанти Совет Иттифоқи Қаҳрамони Русяновга хат йўлладим...



Конференция залида.

**Ҳар қандай қийинчиликларга кўксини қалқон қилиб Ғалаба кунини яқинлаштирган ватандошларимизга ҳурмат ва эҳтиромимизни бажо келтириб, биз бир дақиқа ҳам шуни ёддан чиқармаймизки, империалистик реакция жаҳон урушининг социал ва халқаро сиёсий якунлари билан сира ҳам келишиб кетиш ниятида эмас. У ўзига хос тарихий реванш олишга, социализм ва бошқа демократик кучлар позицияларини заифлаштиришга уринмоқда, ўз стратегиясининг тиғини аввало СССРга қарши қаратмоқда. Ҳарбий куч ишлатишга уринаётганларнинг энг олдинги сафида Америка милитаризми турибди. АҚШ сиёсати халқаро муносабатларни ҳар қандай йўллар билан чигаллаштиришга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам КПСС XXVII съезди юксак даражада ҳушёр туриш, ҳар қандай агрессорга қақшатғич зарба беришга доим шай бўлиш зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.**

**1941 йилнинг июнь тонготарида шонли қуролли кучларимиз, мард акалар ва оталаримиз гитлерчи босқинчиларининг қўққисдан қилган ҳужуми зарбасига кўкрак тутдилар. Аёвсиз жангларда улар ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчларини охиригача бажариб, Ғалаба баҳорини яқинлаштириш учун ҳамма ишларни қилдилар. Уларнинг сўнмас жасоратини совет халқи, қаҳрамон жангчиларимизнинг ҳозирги авлоди муқаддас сақламоқда.**

Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбири **С. МУСАЕВ**, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг катта референти **Ж. МЎМИНОВ** тайёрлаганлар.

**А. Абалян** фотолари.

